## ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

Наманган шаҳри №19-22-сон "6" 06 2022 йил

**"Ўзбекистон МЭТ" АЖ Наманган МЭТ филиали** (кейинги ўринларда) "Буюртмачи" деб юритилади) номидан "31"декабр 2021 йилдаги 01-01-09/9808-сонли ишончнома асосида иш юритувчи **Р.У.Ибрагимов** бир томондан ва **«Норин-Сирдарё» ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси** номидан **М.У.Хошимов** (кейингиўринларда "Ижрочи" деб юритилади) иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ Ижрочи Буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклга эга бўлмаган қуйидаги **ПС "Оби-хаёт" "Насосо 1-2" ячейкасига** узлуксиз тезкор хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Кўрсатиладиган хизматларга нисбатан қўйиладиган иқтисодий, техник, ташкилий ва бошқа талаблар: ______________________________
(ҳисоб-китоблар, буюртма, ишлар режаси ва ҳоказоларга асосан)

Ушбу шартномага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

Илова №1 – Хизмат кўрсатиш муддати режа-жадвали;

Илова №2 – Ҳисоб-китоб режа-жадвали.

### 2. ХИЗМАТ ҲАҚИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Кўрсатилган хизматлар учун Буюртмачи шартномавий баҳо тўғрисидаги баённомага мувофиқ **15 529 279** (Ўн беш миллион беш юз йигирма тўққиз минг икки юз етмиш тўққиз) сўм, шу жумладан, олдиндан тўлов тартибида мазкур сумманинг **30** фоизини **4 658 783,70** (Тўрт миллион олти юз эллик саккиз минг етти юз саксон уч сўм 70 тийин) миқдорида тўлайди.

2.2. Тўлов ***пул ўтказиш*** йўли билан амалга оширилади.

2.3. Ижрочининг ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни кўрсата олмаган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда Ижрочининг хизматлар кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади.

2.4. Буюртмачининг айби билан хизмат кўрсатиш мумкин бўлмай қолган тақдирда, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

### 3. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ижрочи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган хизматларни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.

3.2. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади ва унга ҳисобот ҳужжатларини илова қилади.

3.3. Хизмат натижаларидан қониқмаган Буюртмачи далолатномани олган пайтдан бошлаб _10_ кун ичида Ижроҷига хизматларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

3.4. Буюртмачининг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома тузадилар ва унда қўшимча кўрсатилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

3.5. Хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда Ижрочини хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

3.6. Ижрочи Буюртмачига хизмат кўрсатилган ишлар сифатига бир йил муддатга кафолат беради ва Ижрочи бутун кафолат муддати давомида иш натижаларини буюртмачига топшириши шарт.

Буюртмачи кафолат муддати мобайнида аниқланган иш натижасидаги камчиликлар билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли.

## 4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИҲАЛ ҚИЛИШ

4.1 Хизмат кўрсатиш кечиктирганлик ёки тулиқ хизмат кўрсатиб бермаганлик учун Ижрочи Буюртмачига хизмат кўрсатиши лозим бўлган, аммо хизмат кўрсатилиши кечиктирилган ёки тўлиқ хизмат кўрсатиб берилмаган товар суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.2. Сифати лозим даражада бўлмаган хизмат кўрсатилганлиги учун Ижрочи Буюртмачига сифати лозим даражада бўлмаган хизматнинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.3. Буюртмачи Ижрочи томонидан кўрсатилган хизматлар учун тегишли тўловни кечиктирилиги учун тўлови кечиктирилган ҳар бир кун учун карздорлик суммасининг 0.4 фоиз миқдорида, лекин тулови кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.4. Шартномада белгиланган муддатда хизматларни қабул қилишни асоссиз рад этганлиги учун Буюртмачи Ижрочига танлаб олинмаган ёки қабул қилинмаган хизматлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.5. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

4.6. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар жавобгар жойлашган Иқтисодий судида ҳал этилади.

## 5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

5.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

5.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

5.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

5.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига

ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

5.5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

– коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

– улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

– уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

– уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

5.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

5.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 5.4 ва 5.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 6. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

6.3. Буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини тўлиқ тўлаш шарти билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

6.4. Ижрочи ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шарти билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

6.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

7.1. Шартнома 2022 йил "6" июн дан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

7.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

## ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

**БУЮРТМАЧИ:**

**“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ Наманган МЭТ филиали**

Манзил: Наманган ш., Қўқимбой шох кўчаси, 6-уй
Х/р: 22 604 000 005 062 611 010
Банк: АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”
МФО: 00224, ИНН: 306347741
ОКЭД: 35120,
ҚҚС тўловчининг коди: 326020040038

**Директор:** ______________ **Р.У.Ибрагимов**

**ИЖРОЧИ:**

**«Норин-Сирдарё» ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси**

Наманган шаҳар, Умид 21-уй
ИНН: 200055836, ОКЭД: 01613
Ш/Х/В:
МБ Тошкент бош бошқарма ХККМ
МФО: 00014
тел: 69-232-14-16

**Бошлиқ:** ______________ **М.У.Хошимов**

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси ... ва Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисидаги қонун талаблари билан тартибга келтирилган.
Тўлов тартиби ва шарномалари низоларини хал қилишдаги томонлар жавобгарлигининг ... амалдаги қонунлар талабларига жавоб беради
Юқоридагиларга асосан ушбу тузилаётган шартнома (контракт) кейинчалик имзолаш ва томонлар ... мажбуриятларини ижро этишлари учун тавсия этилади
Ушбу шартномада кўрсатилган сумма бўйича тўлов ... томонидан банк ва солиқ амалиётлари бажарилиши ... ва бунга қонун доирасида жавобгарлар
Хуқуқшунос ______ 06.06.22 г.

**МУХОКАМА АХБОРОТИ**

«28» 05 2022 йил **Наманган шахар.**

Наманган вилоти худудидаги **Норин-Сирдарё ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ** томонидан 2022 йил «17»- май кунидаги 22110012088478 сонли куйилган лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли «Давлат харидлари туғриси» даги конуни 56 ва 58-моддалари талабларидан келиб чиқиб, энг яхши таклифларни танлаш (балл тизими)тури бўйича 17- майдаги 22110012088478-лот рақами билан товар (иш,хизмт) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли «Давлат харидлари тугриси» даги қонуни 60 ва 61-моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича иштирок этган «LIDER AVTO DIZAYN SERVIS» МЧЖ , **«Ozbekiston milliy elektr tarmoqlari» АЖ,** _корхоналари томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг макбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар «Давлат харидлари туғриси» даги конуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Мухокама учун белгиланган муддат тугагандан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чикилмайди.

**Давлат буюртмачи ташкилоти рахбари** **М.Хошимов**

**Давлат буюртмачи ташкилоти бош хисобчиси** **Р.Мирзакаримов**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 88478 на приобретение Годовое техническое обслуживание ячейки 10кв "Насос" на подстанции 220/110/10 "Обихаёт" Наманганской области.

Способ проведения электронный

Дата 27.05.2022

Время рассмотрения 27.05.2022 07:52

Конкурсная комиссия Норин-Сирдарё ирригация тизимлари хавза бошкармаси хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAMRAYEV TOXIR TURSUNBAYEVICH | председатель коммисии | УНС и Э при Нарин Сирдаринском БУИС |
| **Член комиссии** | UMAROV FAXRIDDIN MIRKAMALOVICH | член коммисси | УНС и Э при Нарин Сирдаринском БУИС |
| **Секретарь комиссии** | RASULOV SAYDAMIN SAYDAZIMOVICH | секретарь коммисси | УНС и Э при Нарин Сирдаринском БУИС |
| **Член комиссии** | ALIBAYEV XABIBULLO VALIJONOVICH | член комисии | УНС и Э при Нарин Сирдаринском БУИС |
| **Член комиссии** | TEMIROV DLYAVER ISMETOVICH | член комисии | УНС и Э при Нарин Сирдаринском БУИС |
| **Член комиссии** | KORABOYEV SHUXRATJON RAYIMBEKOVICH | член коммисии | УНС и Э при Нарин Сирдаринском БУИС |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.05.2022 года № лота 88478.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Обслуживание распределительного трансформаторного пункта** |
|---|---|
| Подробное описание | Годовое обслуживание ячейки 10кв "Насос" на подстанции 220/110/10 "Обихаёт" Наманганской области. |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 15 529 279.00 |
| Стартовая сумма | 15 529 279.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солик ва мажбурий туловлардан карздорлик хакида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: ДСИ дан маълумотнома.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **AO O`ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI** | 15 | малумот бириктирилган фаилда | 15 | Экспертная | | |
| **LIDER AVTO DIZAYN SERVIS MCHJ** | 15 | Солик ва мажбурий туловлардан карздорлик хакида маълумот | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2 Банкдан карздорлик тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Банкдан маълумот.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **AO O`ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI** | 15 | малумот бириктирилган фаилда | 15 | Экспертная | | |
| **LIDER AVTO DIZAYN SERVIS MCHJ** | 15 | Банкан карздорлик тугрисида маълумот | 15 | Экспертная | | |

Критерий №3 Корхонада машина механизмлар ва асбоб ускуналар мавжудлиги тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотномани киритинг

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **AO O`ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI** | 15 | малумот бириктирилган фаилда | 15 | Экспертная | | |
| **LIDER AVTO DIZAYN SERVIS MCHJ** | 15 | Корхонада машина механическилар ва асбоб ускуналар мавжудлиги тугрисида маълумот | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Инсофсиз етказиб берувчилар руйхатида турмаслиги хакида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотномани киритинг

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **AO O`ZBEKISTON MILLIY ELEKTR** | 15 | малумот | 15 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **TARMOQLARI** | | бириктирилган фаилда | | | | |
| **LIDER AVTO DIZAYN SERVIS MCHJ** | 15 | Инсофсиз етказиб берувчилар руйхатида турмаслиги хакида маълумот | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 Юкори кучланишдаги подстанцияларга кириш рухсати

Тип: Текстовое значение

Описание: Лицензия

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **АО O`ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI** | 15 | малумот бириктирилган фаилда | 15 | Экспертная | | |
| **LIDER AVTO DIZAYN SERVIS MCHJ** | 15 | Юкори кучланишдаги подстанцияларга кириш рухсати | 10 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **АО O`ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI** | 15 529 279.00 | 15 529 279.00 | 18.05.2022 14:46:42 | 30.00 |
| **LIDER AVTO DIZAYN SERVIS MCHJ** | 15 529 279.00 | 15 529 279.00 | 19.05.2022 14:54:48 | 30.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **АО O`ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI** | 70 | 30 | 100 |
| **LIDER AVTO DIZAYN SERVIS MCHJ** | 60.6669 | 30 | 90.6669 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 88478 от 27.05.2022 года на приобретение Годовое техническое обслуживание ячейки 10кв "Насос" на подстанции 220/110/10 "Обихаёт" Наманганской области. определила победителем:

АО O`ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI
306347741

и резервный исполнитель: LIDER AVTO DIZAYN SERVIS MCHJ (301749126)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAMRAYEV TOXIR TURSUNBAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TEMIROV DLYAVER ISMETOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ALIBAYEV XABIBULLO VALIJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | UMAROV FAXRIDDIN MIRKAMALOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | KORABOYEV SHUXRATJON RAYIMBEKOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Наманган шахар

# ҚЎШИМЧА КЕЛИШУВ № 1

«23» 06 2022 йил

"Ўзбекистон МЭТ" АЖ Наманган магистрал электр тармоқлари филиали билан "Норин-Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика" бошқармаси ўртасида тузилган 06.06.2022 йилдаги 19-22-сонли шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

| Эски таҳрир | Янги таҳрир |
|---|---|
| **8. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ:** | |
| **"ИЖРОЧИ"** | |
| Ўзбекистон МЭТ" АЖ Наманган магистрал электр тармоқлари" филиали<br>Манзил: Наманган шахар, Қўқумбой Шох кўчаси, 6-уй,<br>Тел: (69) 226-01-35,<br>Х/р: 22604000005062611010,<br>МФО 00224,<br>СТИР 306347741<br>СҚБ Наманган вилоят бўлими | "Ўзбекистон МЭТ" АЖ Наманган магистрал электр тармоқлари" филиали<br>Манзил: Наманган шахар, Қўқумбой Шох кўчаси, 6-уй,<br>Тел: (69) 226-01-35,<br>Х/р: 22604000305062611010,,<br>МФО 00440, СТИР 306347741,<br>"Узсаноаткурилишбанк" АТБ бош офиси |
| 06.06.2022 йилдаги 19-22-сонли шартноманинг қолган бандлари ўз кучини сақлаб қолади. | |
| Шартномага қўшимча 2 (икки) нусхада тузилиб, томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва шартнома амал қилиш муддати давомида амалда бўлади. | |

**"БУЮРТМАЧИ"**

**"Норин-Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика" бошқармаси**

**Директор:**

М. Хошимов

М.Ў.

**"ИЖРОЧИ"**

**"Ўзбекистон МЭТ" АЖ Наманган МЭТ филиали**

**Директор:**

**Р.Ибрагимов**

М.Ў.

«O'ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI» AJ «NAMANGAN MAGISTRAL ELEKTR TARMOQLARI» FILIALI

АО « НЭС УЗБЕКИСТАНА» ФИЛИАЛ «НАМАНГАНСКИЕ МАГИСТРАЛЬНЫЕ ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ СЕТИ»

**NAMANGAN MAGISTRAL ELEKTR TARMOQLARI**

O'zbekiston Respublikasi, Namangan viloyati, Namangan shahri, Qo'qumboy shoh ko'chasi, 6-uy. STIR: 306347741, bank kodi: 00224.
Bank: «O'zsanoatqurilishbank» ATB Namangan filiali, h/r 20210000205062611010. Veb-sahifa: uzbekistonmet.uz
INDEKS: 160115 Elektron pochta: namangan_uzbekistonmet.uz@mail.ru Tel: (369) 226-01-42, faks: (369) 226-01-35

*02-32-05/ 671 -sonli* *2022-yil «_20_»_июнь_*

**"Норин-Сирдарё ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика" бошқармаси бошлиғига**

Сизга шуни ёзиб маълум қиламизки, "Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2022 йил 25 майдаги № ПФ-141 Фармонига асосан хисоб-китоб тизимини такомиллаштириш ва хужалик юритувчи субъектларнинг тўлов интизомини ошириш чора-тадбирлари буйича махсус мақсадли ҳисоб варақалари 15 июндан тугатилганлигини маълум қиламиз.

Юқоридагиларни инобатга олган холда Сиз билан тузилган 01.06.2022 йилдаги шартномага асосан, кўрсатиладиган хизмат учун тўловларни қуйидаги асосий ҳисоб рақам орқали хисоб-китоб қилишингизни сўраймиз.

**х/р: 22 604 000 305 062 611 010**
**«УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНК» АТБ БОШ ОФИСИ**
**МФО: 00440, ИНН: 306347741**

**Наманган МЭТ филиали директори:** **Р.У.Ибрагимов**

Ижрочи:
У.Гапуров (69) 226-01-35